

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2011
июнь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

К.КАРИМОВ

Учта сингуляр коэффициентга эга бўлган аралаш типдаги тенглама учун Франкль масаласининг хос функцияларини қуриш 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, Ф.РАҲМАТОВ

Мева-сабзавотлар учун инфрақизил қуритиш қурилмаси 12

Ш.ЯКУБОВА, Т.АЗИМОВ, З.ХУСАНОВ, О.ТЎЛАНОВ

Астрономик координаталар тизимлари 14

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Ш.ХАМИДОВ, А.МАТКАРИМОВА, Ш.ТУРСУНОВА

Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis L.*) нинг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари 18

У.БОЛТАБОЕВ

Енгил саноатдаги ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган омилларнинг одам организмига таъсирини ўрганиш 21

Р.МАТЬЯКУБОВ, Д.САЛМОНОВА, И.ТУРДИБОЕВ, Ш.АБДУРАЗЗАКОВА

Карбамидформальдегид – (КФО) ва фенолформальдегид олигомерлари (ФФО)ни фурфурил спирти билан сополимерларининг олиниши ва хоссаларини тадқиқ қилиш 24

Х.ТОШЕВ, А.ЕШИМБЕТОВ, А.ХАЙТБАЕВ, Ш.ТУРГУНБОЕВ, Ж.БЕКНАЗАРОВ

Госсипол айrim Шифф асосларининг геометрик ва энергетик характеристикаларини ярим эмпирик усуслда ўрганиш 27

Ш.ЮЛДАШЕВА, Ш.И.ХАСАНОВА

Полиз шираси миқдорий зичлигини бошқариб туришда энтомофагларнинг ўрни 32

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

А.ХАМИДОВ

Ўзбекистонда ландшафт тадқиқотлари ва тармоқ районлаштириш муаммолари 35

Ю.АҲМАДАЛИЕВ, О.АБДУҒАНИЕВ

Фарона водийсида сугориладиган ерларнинг тупроқ-экологик ҳолатидаги ўзгаришларни баҳолаш 39

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

З.ТАДЖИБАЕВ

Ўзбекистонда иқтисодий таълим: кеча, бугун ва эртага 42

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

А.ҚАМБАРОВ

Илмий қадриятлар – мамлакатни барқарор ривожлантириш омили 47

Қ.СУЛАЙМОНОВ

Ўрта синф – бозор иқтисодиётининг етакчи кучи 50

Д.НОРМАТОВА

Ахлоқий меросда тарихий-маънавий қадриятлар масаласи 54

Г.МАДРАХИМОВА

Мустақиллик йилларида оналар ва болалар саломатлигига эътиборнинг кучайтирилиши 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида инсон кечинмаларининг бадий талқини 62

УДК: 8-1-3

“ЁШ ВЕРТЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ” АСАРИДА ИНСОН КЕЧИНМАЛАРИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

О.Дадажонов

Аннотация

Мақолада Гётенинг сентиментализм руҳидаги асари мисолида инсон руҳий-маънавий дунёсининг бадиий талқини таҳлил этилган.

Аннотация

В статье анализируется художественное tolkovание духовно-нравственного мира человека на примере произведения Гёте, написанного в духе сентиментализма.

Annotation

In this article the artistic interpretation of human moral-spiritual world in the spirit of the sentimentalistic work by Goethe is cleared.

Таянч сўз ва иборалар: ички кечинма, образ, эҳтирос, табиат, қаҳрамон, қалб, фикр, дўст.

Ключевые слова и выражения: внутренне переживания, образ, страсть, природа, характер, душа, мысль, друг.

Key words and expressions: intuition, image, emotion, nature, character, soul, thought, friend.

Европа маърифатчилик оқимининг ёрқин намояндаси, янги давр немис адабиёти асосчиси Ёҳанн Волфганг Гёте ўз ижоди билан жаҳон адабиётига жуда катта ҳисса қўшди. Унинг асар ва романлари дунёниг кўплаб тилларига таржима қилиниб, жаҳон адабиёти хазинасини янада бойитди. Гёте адабий фаолиятининг ilk даврига мансуб “Ёш Вертернинг изтироблари” романи ўша давр немис адабиётида катта воқеа бўлди. Ушбу роман уни ёзувчи сифатида жаҳонга ёйган илк насрий асари. Асар 1774 йили яратилган. Ёзувчи ҳар тарафлама илғор фикрли, зукко ва сезигир қалбли йигитнинг гўзал ички кечинмалари, эҳтиосларини ўзида жамлаган қаҳрамон образини яратди, “Бўрон ва ҳаракат” оқимининг характерли қирраларини очиб берди. Гарчи муаллиф ўз қаҳрамонини ҳалокатга олиб борса-да, бу мардона норозиликнинг ўзи ўш авлодни инсон шаъни ва қадри йўлида курашга чорлайди. Гёте ўз авлодини азоблаган ва ҳолдан тойдирган барча кўргуликларни бошдан кечирган эди. Бу кечинмалар “Вертер” да гўё акс садо бўлиб янгради.

Эҳтиосларга тўла бу асарда бosh қаҳрамон гоҳ жунбушга келувчи хаёллари билан, гоҳ кишиларни чегараловчи қонунлардан қочиб, табиат қўйнида жуда кўп вақтини ўтказади.

Ушбу асар бутун дунё адабиётида сентиментал руҳдаги дурдона ҳисобланиб, мактуб тарзида ёзилган. Ҳар бир ёзилган

мактубда сана ва йили кўрсатилган. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисм 1771 йил 4 майдан, 1771 йил 10 сентябргача бўлган вақтни, иккинчи қисм 1771 йил 20 октябрдан 1772 йил 24 декабргача бўлган вақт оралигини ўз ичига олади. Асарда инсон ҳаёти ва унинг ички кечинмалари ҳақида сўз юритилиб, бosh қаҳрамон Вертер ўзининг қадрдон дўсти Вилхелмга мактуби билан бошланади.

Вертернинг дўстига ёзган биринчи мактуби шаҳарнинг ажойиб табиати, у ердаги маҳаллий аҳолининг ҳаёт тарзи ва уларнинг қизиқишлари тўғрисида фикрларини баён этган. Умри давомида инсон ана шу туйғу йўлида кураш олиб боради. Бизнинг Вертер ҳам буюк бахтни ҳис қилган қаҳрамон. “Ички қаноат ҳисси”, бу - биз учун бирозгина мавхум тушунчада. Биз ушбу мақоламиз орқали Гётенинг шоҳ асаридан олинган инсон кечинмалари тўғрисидаги фикрларини келтириб ўтмоқчимиз.

Масалан: “O was ist der Mensch das er über sich klagen darf!”

“О, инсон ўз-ўзидан гина ҳам қила олади” [1.7]

Гёте ушбу фикрларини Вертер ғамгин ҳолатга тушган, ўзини ёлғиз вазиятдаги вақтида ёзган хатида келтириб ўтган. Бу асарда шоир жуда кўплаб кишиларни ҳайратга соладиган доно гапларни қўллаган.

Масалан: “Ich könnte jetzt nicht zeichnen und bin ich nie ein größerer Maler gewesen als in diesem Augenblicken”

“Бирон чизиқ ҳам чизолмаяпман, бироқ мен санъатни тиллари

О.Дадажонов – ФарДУ факультетлараро чет кафедраси ўқитувчиси.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҳеч қачон шу лаҳзалардагидек чуқур ҳис этолмаган эдим” [2.9]

Гёте инсон кечинмаларидан ташқари табиат ва санъат ўйғуллиги ҳақида ҳам ёрқин фикрларни келтириб ўтган. Инсон умри давомида турли воқеаларни бошдан ўтказади. Гоҳида қувончли дамлар, ана шу қувончдан еру кўкка сифмайсан. Баъзан эса синовли, дард аламга тўла кунлар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳар бир воқеада, ҳар бир нарсада ҳикмат (яхшилик) бор. Аслида ҳаётнинг мақсади инсонни синовлар гирдобида тарбиялашдир. У қалбdir. Инсон қалби англаб етилмаган жумбоқдир. Вертер ана шу қалбнинг нозиклиги хусусида изтироб чекади.

“Wenn wir immer ein offenes Herz hätten, das Gute zu genießen das uns Gott für jeden Tag bereitet wir würden alsdann auch Kraft genug haben das Übel zu Tagen, wenn es kommt”

“Агар бизга ҳар куни Оллоҳ ато этган яхшилик истиқболига самимий қалб билан чиқсак эдик, ёмонликка тўқнаш келганимизда уни енгиш осонроқ бўлурдди” [3.33].

Асарда Вертер фақат Шарлотта Буффга бўлган жавобсиз севги эмас, балки 1771-1174 йиллардаги шоирни қийнаган руҳий тушкунлик ҳам кўзда тутилади. Вертер мактубларида қувонч ва аламли гаплар кейинчалик Гётенинг ўзини ҳам ҳайратга солган. 1780 йилда шоир ўз кундалигига шундай ёзган эди: “Нашр қилингандан кейин асарни бошдан оёқ ўқиб чиқдим ва ҳайратдан ёқа ушладим. Қайта ўқиб чиқишга юрагим бетламайди.”

“Ein Mensch, der um anderer willen, ohne das es seine eigene Leidenschaft sein eigenes Bedürfnis ist, ich um Geld oder Ehre oder sonst etwas abarbeitet, ist immer ein Tor”

“Кимки вижданан ёки ўз истаги билан эмас, ёки бошқаларга ёкиш мақсадидагина пул, обрў ёки яна бошқа бирор нарса учун меҳнат қилса, у тентакдир” [4.41].

“Was ich weiß kann jeder wissen, mein Herz hab ich allein”.

“Мен билган нарсани бошқа ҳар қандай одам ҳам била оларку-я, бироқ бундай қалбга эга бўла олмаслиги мумкин” [5.78].

Вертернинг ўз хаёллари, фикрлари бошқа инсонларнидан фарқ қиласди, унинг дунёқараси кам инсонларда учрайди. У ўзгача, гўё узок даврларни айланиб чиққандай. Вертер одамларнинг ўйларини, ташвишларини ҳис қиласди. Баъзи инсонларга ачинар, баъзи инсонларнинг қалби гўзаллигидан роҳатланарди.

“Ja wohl bin ich nur ein Wanderer, ein Waller auf der Erde! Seid ihr dann mehr”.

“Ҳа, мен оламни кезиб юрувчи дарбадарман, сизлар мендан ортиқмисизлар?” [6.79]

Бу оламда шундай инсонлар борки, уларнинг инсонпарварлиги осмонлардан ҳам юксакроқ, аксинча, шундай инсонлар борки, уларнинг тубанлиги энг қуи ботқоқлиқдан ҳам чуқурроқдир. Вертер ўзгалар қувончи учун ўзини қурбон қилишни олий баҳт, деб билади.

Табиат қаҳрамонимиз қалбидан шундай жой олганки, гўё унинг бутун ҳис-туйғулари, руҳий олами у билан бирлашиб кетгандай. Табиатнинг бутун гўзаллиги унинг қалбидан жой олган, бепоён табиатнинг жозибали манзаралари унинг борлигини туғенга соларди. Ўз яқинлари учун қон тўкиш ва ўз ўлими орқали дўстларига юз карра ортиқ янги ҳаёт бағишлиш шарафи камдан-кам кишиларгагина насиб бўлади. Вертер тимсолида ҳақиқий инсон сиймосини кўриш мумкин. Унинг руҳий олами, ўй-хаёллари ҳақиқий инсонларгагина хосдир.

Хуласа тариқасида шуни айтиш керакки, мавжуд урф-одат ва қонунларга қарши курашувчи қаҳрамон Гётенинг “Бўрон ва шиддат” даври учун мосдир. Шоир ҳаётни шундай синчиклаб ўргандики, ундаги фалсафий, психологик фикрий теранлик қаҳрамон Вертер мисолида, инсонни лол қолдириш даражасида намоён бўлди.

Адабиётлар:

1. Саидов А. Гёте-юрист. – Т.: Ўзбекистон. 2010
2. Эгамова Я. Ёш Вертернинг изтироблари. – Т.: Янги аср авлоди. 2006
3. Ақбаров М. Ҳикматлар хазинаси. – Т.: Шарқ. 2008
4. Таржимонлик санъаткорлиқидир. // «Ёшлик» журнали. 2013 йил. 12-сон.
5. www.susannealbers.de

(Тақризчи: А.Қосимов, филология фанлари доктори, профессор).